

Pearson BTEC Ўзбекистон 7-даража

# Стратегик бошқарув ва лидерлик

соҳаси бўйича

Профессионал Диплом

10-модул: Корпоратив стратегия: Концепциялар,  
Режалаштириш ва Имплементация

## Ўқитувчи Ресурслари

1-нашр



## **Edexcel, BTEC ва LCCI малакалари**

Edexcel, BTEC ва LCCI малакалари бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун [qualifications.pearson.com](http://qualifications.pearson.com) сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз [qualifications.pearson.com/contactus](http://qualifications.pearson.com/contactus) саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

## **Pearson ҳақида**

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги лидер ўқитиш берувчи компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида [qualification.pearson.com](http://qualification.pearson.com) сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

*Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).*

*Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.*

ISBN 978 1 446 96541 2

Ушбу нашрдаги барча материаллар

© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади

# Мундарижа

<b>Кириш</b>	<b>1</b>
<b>10-модул: Корпоратив стратегия: Концепциялар, Режалаштириш ва Имплементация</b>	<b>3</b>
Ўқув қўлланма	3
Иш схемаси	19
Дарс режаси	37
Мустақил топшириқ қисқача йўриқномаси	71



# Кириш

Мазкур манбалар буклети Pearson ВТЕС Ўзбекистон 7-даража стратегик бошқарув ва лидерлик соҳаси бўйича Профessional Диплом спецификациясини тўлдирувчи материалдир. Спецификация сизни нимани ўқитиш ва баҳолаш лозимлиги билан таништиради. Ушбу буклетда сиз юқоридаги вазифани қандай бажариш мумкинлиги тўғрисида таклиф ва ғояларни топасиз.

Буклет сизга дарс ўтиш ва таълим бериш борасида ғояларни тақдим этган ҳолда, ўз ичига, шу жумладан амалий дарслар, реалистик сценарийлар, иш берувчиларни ўқув жараёнига жалб қилиш йўллари ва мустақил таълимни бошқариш ҳамда баҳолаш услубларини олади. Буклет, шунингдек спецификацияда акс этган маълумот қай тарзда амалиётда ишлашини намоён этиб, сизни малака оширишнинг турли йўллариини излашга рухлантиради.

Мазкур манбалар буклети қуйидагиларни тақдим этади:

- модуларни қай тарзда квалификацияни ўқитишга кўмаклашиши тўғрисида қўлланма;
- модуларни квалификацияни ўқитишга ёрдам берувчи тавсия этилган манбалар;
- квалификация барча модуларини қамраб олган мавзу, вазифа ва баҳоларни тушунтириб берувчи ишлар схемаси;
- модул бўйича қай тарзда дарсларни ўтиш тўғрисида батафсил қўлланмали Дарс режалари;
- барча квалификация модуларини баҳолашни ўтказишда кўмаклашувчи Мустақил топшириқ йўриқномалари.

Мазкур манбалар буклетидаги маълумот квалификацияни тузиш билан яқин боғлиқ бўлган ўқитувчилар томонидан йиғилганлиги сабаб, улар ВТЕС малака ошириши ўқитилишининг янги ва қизиқарли услубларини излаш билан боғлиқ муаммоларни яхши тушунишади.

Буклетда келтирилган Ўқитишга доир қўлланмасида, квалификация бўйича таълимни режалаштиришда нималарни эътибордан четда қолдирмаслик тўғрисида маълумот мавжуд. Қуйидагилар ҳақида маълумотлар мавжуд:

- сизнинг квалификация курсингиз таркиби;
- қандай қилиб ўз ўқувчиларингиз учун квалификацияни тузиб олишингиз;
- қандай қилиб сиз иш берувчилар билан алоқага чиқишингиз мумкинлиги тўғрисида таклифлар;
- бошқа ёрдамчи ва мақбул манбалар.

Биз сизга индивидуал қўлланма бердик. Ушбу қўлланма ўз ичига ўқув мақсадларига қай тарзда ёндашиш кераклиги борасида таклифларни, шунингдек дарсларни қизиқарли ва ранг-баранг тарзда ўтишга доир ғояларни олади. Шу билан биргаликда, сиз ўз вазифаларингизни қай тарзда режалаштириш тўғрисида маслаҳат ва ғояларни топасиз.

Ҳар бир модул учун биз синчиклаб танланган манбаларни қўшдик. Ресурслар рўйхати сиз ўз ўқувчиларингизга тавсия этишингиз ва/ёки ўқитишда ишлатишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеоларни ўз ичига олади.

# 10-модул: Корпоратив стратегия: Концепциялар, Режалаштириш ва Имплементация

## Ўқув қўлланма

### Модул билан танишиш

Ушбу модулнинг мақсади – стратегик режалаштириш асосидаги концепцияларни тақдим этиш ва ўқувчиларни стратегик режалаштиришга ҳамда ташкилот стратегиясининг йўналишига таъсир ўтказадиган ички ва ташқи омилларнинг кенг спектри билан таништириш. Бу ўқувчиларга аҳамиятли, маълумотли ва самарали режани ишлаб чиқишга ва амалга оширишга ёрдам беради.

Стратегик режалаштириш – бу ишлаб чиқувчилардан стратегик қарорларга ва натижада ташкилот стратегиясининг йўналишига таъсир қилувчи кенг спектрдаги ички ва ташқи омилларни ҳисобга олувчи стратегия ва режаларни талаб қиладиган мантиқий ва тизимли жараён дир.

Ушбу модул изчил ва тизимли равишда ўқитилиши ва ўрганилиши муҳимдир. 1-расмда ўқитувчига ушбу модулда юқори даражали ўқитишни ташкил этишга ёрдам берадиган кенг турдаги қўлланма берилган.



1-расм: Стратегик жараён

Модул ташкилотдаги жорий вазият билан танишишдан бошланадиган цикл жараёнини тавсифлайди. А, В ва С ўқув мақсадлари цикл босқичи ҳақида «Биз ҳозир қаердамиз?» деган саволлар беради. D ва E ўқув мақсадлари «Биз қаерда бўлишни ҳохлаймиз ва мақсадга қандай эришамиз?» саволларини беради. Ушбу саволлар стратегик вариантларни аниқлаш, танлаш ва ишлаб чиқиш учун дастлабки уч ўқув мақсадни ўрганишда олинган маълумотлардан фойдаланади. F ўқув мақсади «Стратегия ва режалар муваффақиятли бўлганини биз қандай биламиз?» ҳақида маълумотни мужассамлаштирган циклнинг учинчи босқичига қаратилган.

Ушбу модул ўқувчиларни стратегик режанинг муваффақиятлилиги ёки муваффақиятсизлигини баҳолашга ўргатади. Ўқув жараёнида, ўқувчилар ташкилотдаги стратегияни ишлаб чиқишнинг циклик хусусиятларини билишлари ва тушунишлари муҳимдир.

Ўқувчилар ҳар бир мақсад талабларига жавоб беришлари учун модулнинг мақсадларига мувофиқ, изчил равишда ўрганишни таъминлаш муҳим ҳисобланади. Ушбу модулнинг 3-модул, «Ўзгаришларни стратегик бошқариш» модули билан боғлиқ равишда ўрганиш, ўқувчиларга ўқиш жараёнида ўз натижаларини беради. Самарали ўрганиш учун ушбу модулларни параллел равишда ўрганиш керак. Бу ҳар қандай янги стратегия ва у билан боғлиқ режалар ташкилотдаги ўзгаришларни талаб қилиши билан боғлиқ. «Ўзгаришларни қандай амалга ошириш керак» саволига жавобни – 3-модулнинг асосий мақсади – ўқувчилар ушбу модулдаги В ва F ўқиш мақсадларини ўрганиш жараёнида топишади.

Дарс ўтиш ва ўргатиш, ўқув дарсларининг ажралмас ва фаол қисмига айланишлари учун ўқувчиларга йўналтирилган бўлиши керак. Шу мақсадда иш схемаси ва дарс режалари нафақат ўқитувчи бошчилигидаги тақдимотларга таянибгина қолмай, балки улар тақдимотлар, жуфтликда бажариладиган машқлар ҳамда синф мунозаралари тўпламидир. Бундай ёндашув ўқишдаги ва бир-бирлари билан ўзаро алоқадаги фаол иштирокни рағбатлантиради, шунингдек уларнинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, мулоқот кўникмаларини ва жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантиради.



Ўқувчилар зарур бўлган тадқиқотларни ўтказишдан ташқари, жуфтликларда ишлашлари керак бўлади. Ўқитишнинг бундай услуби алоқа кўникмаларини ривожлантириш ва жамоавий ишларни ташкил этиш, дарсларда, тегишли дарсликлар ва мақолаларни ўқиш ва муҳокама қилиш жараёнида олинган билимларга асосланган тақдимотни тайёрлашга ёрдам беради. Шунини таъкидлаш керакки, 7-босқич ўқувчилари стратегик фикрлай оладиган маълумотли ва ишончли менежер бўлиш учун диққат билан ўқиш ва тадқиқотлар билан шуғулланишлари, интилувчан ва қизиқувчан бўлишлари керак.

Ўқувчиларга марказий ва/ёки маҳаллий манбалардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш керак, бу эса уларга ўзларининг тадқиқот ишларини олиб боришга, ишбилармонлик мулоқотлари ва ИТ дан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради. Тафаккурни ривожлантириш ва катта ҳажмдаги билимларни эгаллаш учун ўқувчилар дарслардан кейин кўп ўқишлари ва мустақил равишда дарсдан ташқари шаклдаги кейинги тадқиқотларни олиб боришлари керак.

Идеал ҳолда, машғулотлар ўқувчининг иш жойида ўтказилиши керак, бу ерда концепциялар, назариялар ва моделларни реал ҳаётий иш вазиятларда қўшимча тарзда ўрганилиш мумкин. Бироқ бу ҳар доим ҳам мумкин эмас. Иш жойида ўқиш имкониятига эга бўлмаган ўқувчиларга кейс-стади ўтказиш керак бўлади.

Ўқувчилар дарсдан ташқари мустақил ишларини бажариш жараёнида ўзларининг билимларини қўллашлари учун алоҳида кейс-стади ўтказиш тавсия этилади. Кейс-стади ўтказиш учун ўқитувчи ўзига таниш бўлган ва интернетда батафсил маълумотнинг мавжуд бўлиши энг мукамал ташкиллаштириш ҳисобланади. Кейин эса ўқитувчига фақат битта таниш бўлган ташкилотни танлаш тавсия этилади.

Ташкилотдаги стратегик бошқарув билан танишиш барча ўқувчилар учун фойдали бўлар эди. Таклиф этилган спикерлар дарс ўтиш ва ўқитишга катта ҳисса қўшишлари мумкин, чунки амалий маслаҳатлар беришлари, ўқувчилар ўрганаётган модулнинг маълум жиҳатларини очиқ беришлари мумкин. Ўқувчилар саволларни олдиндан тайёрлашлари учун, спикер ва унинг ташкилоти ишларида қатнашишлари мумкин.

Ушбу модулни ўқитиш ва ўрганиш изчил ва тизимли бўлиши керак. Синфда ўзаро алоқаларни сақлаб туриш ва ўқувчиларни концепциялар, назариялар ва моделларни ўқитиш орқали ўрганишга ва шахсий мустақил тадқиқотларни олиб боришга рағбатлантириш керак.

## Баҳолаш модели

Қуйида келтирилган 1-жадвалда ҳар бир ўқув мақсадининг баҳолаш мезонлари ҳақида қисқача маълумот берилган. Баҳолаш учун иккита ёндашув мавжудлигига эътибор бериш керак, шу билан бирга уларнинг аксарияти А дан Е гача бўлган мақсадларга қаратилган.

Биринчи вазифа (стратегик режа) стратегик режанинг амалга ошишидан олдинги жараёнини ўрганишни ўз ичига олади. Иккинчи вазифа тавсия этилган стратегик вариант ташкилот томонидан қабул қилинган ва энди бажарилиши кераклигини тахмин қилган ҳолда, ўқувчилардан «олдиндан ўйлашни» талаб қилади. Ўқувчилар стратегик режа қандай амалга оширилиши, у қандай ўлчаниши ҳамда муваффақият ва муваффақиятсизлик қандай баҳоланиши ҳақида тасаввурга эга бўлишлари керак.

Муваффақиятга эришиш учун барча баҳолаш мезонлари ва барча ўқув мақсадлари бажарилган бўлиши кераклигини ўқувчилар тушуниши жуда муҳимдир. Ўқувчилар ҳар бир мустақил вазифани бошқалари билан ажралмас деб ҳисоблашлари керак: ўқиш мақсадларига самарали эришиш ва стратегия жараёнини чуқур англаш учун улар 1-расмда кўрсатилганидек ўзаро боғлиқ бўлишлари керак.

Ўқитиш мақсади	Мундарижанинг асосий соҳалари	Баҳолаш учун тавсия этилган ёндашув
<b>А</b> Ташкилотнинг ташқи муҳитини тушуниш	<p><b>А1</b> Ташқи муҳит ва секторни таҳлил қилиш воситалари</p> <p><b>А2</b> Экологик ўзгаришларнинг ташкилотга таъсири</p> <p><b>А3</b> Ташқи манфаатдор томонлар</p>	Ташкилот учун юқори даражадаги бошқарувни таъминлайдиган, маълумотга эга ва яхши ишлаб чиқилган стратегик режани яратиш
<b>В</b> Ташкилотнинг ички муҳитини тушуниш	<p><b>В1</b> Ички муҳитни таҳлил қилиш воситалари</p> <p><b>В2</b> Ташкилий маданият ва қадриятлар</p> <p><b>В3</b> Ички манфаатдор томонлар контексти</p>	

Ўқитиш мақсади	Мундарижанинг асосий соҳалари	Баҳолаш учун тавсия этилган ёндашув
<b>C</b> Ташкилотнинг стратегик режаларини қайта кўриб чиқа олиш	<b>C1</b> Ташкилот стратегиясини баҳолаш воситалари ва усуллари. <b>C2</b> Бозордаги ўрни	
<b>D</b> Стратегик вариантларни ишлаб чиқа олиш	<b>D1</b> Стратегик вариантларни ишлаб чиқишни қўллаб-қувватлаш учун қўлланиладиган воситалар ва усуллар. <b>D2</b> Стратегик вариантлар	
<b>E</b> Стратегик режа туза олиш	<b>E1</b> Муваффақият мезони <b>E2</b> Стратегияни ишлаб чиқишга ёндашувлар	
<b>F</b> Стратегик режанинг амалга оширишни тушуниш	<b>F1</b> Стратегик режани амалга ошириш қобилияти <b>F2</b> Манфаатдор томонлар билан мулоқот <b>F3</b> Стратегик режанинг бажарилишини мониторинг қилиш ва баҳолаш	Стратегик режани амалга ошириш, назорат қилиш ва баҳолаш бўйича маълумот ҳужжати

1-жадвал: Ўқув мақсадлар бўйича баҳолаш ҳақида қисқача маълумот.

## Баҳолаш бўйича қўлланма

Қуйида ўқувчиларга баҳолаш мезонлари ва ўқиш мақсадларига эришиш учун баҳолаш вазифаларини бажариш бўйича тавсиялар берилган.

### А дан Е гача ўқув мақсадлар: 1-вазифа

Узоқ муддатли режа мақсадли аудитория учун тайёрланган бўлиши ҳамда тегишли асослар ва тавсиялар билан қўллаб-қувватланган етарли маълумот ва далилларни тақдим этиши керак. Бу манфаатдор томонлар учун мақбул бўлиши керак.

Ушбу режа маълум форматни талаб қилмайди, аммо стратегик режа учун қуйидаги тузилмани тақдим этади:

- шароит яратиш ва умумий маълумотлар;
- тегишли воситалар ва усуллардан фойдаланган ҳолда, ташкилот атроф-муҳитини сканерлаш ёки ўрганиш;
- тегишли воситалар ва усуллардан фойдаланган ҳолда, ташкилотнинг жорий стратегик режасини кўриб чиқиш;
- тегишли воситалар ва усуллардан фойдаланган ҳолда, муқобил стратегик вариантларни кўриб чиқиш;
- иккинчи вазифани бажаришда фойдаланиладиган муваффақиятнинг асосий мезонлари.

#### Изоҳлар:

- Муайян воситалар ва усуллардан фойдаланиш тўлиқ тушунтирилган бўлиши керак ва аксинча, бошқа воситалар ва усуллардан фойдаланмаслик ҳам аниқ изоҳланган бўлиши керак.
- Е.Р2 баҳолаш мезони стратегик режанинг умумий мазмуни асосида ўлчанади. Ушбу режа стратегия ва уни қўллаб-қувватлайдиган режаларни ишлаб чиқишга ҳар хил ёндашувлар режа тайёрланган бўлишидан олдин таҳлил қилинганлигини кўрсатади.
- Агар баҳолаш мезонлари ўқувчилардан танқидийликни талаб қилса, бу етарли даражада намойиш этилган бўлиши керак. Ўқувчилар маълум бир ташкилот контекстида билимларни онгли равишда тушуниш ва қўллаш асосида ўзларининг шахсий хулосаларига келишлари керак.

**F ўқув мақсади: 2-вазифа**

Ушбу маълумот ҳужжати амалга ошириладиган режа, 1-вазифани бажариш жараёнида ишлаб чиқилган стратегик режа билан қандай боғлиқ бўлиши кераклиги тўғрисидадир.

Ўқувчилар стратегик режани амалга оширишга мажбур эмас; аммо улар стратегик режани ташкилот билан келишилганидан кейин қандай қилиб улар мулоқот қилишлари, режани амалга оширишлари, назорат қилишлари ва баҳолашларини кўрсата олишлари керак. Барча тўрт жиҳат: коммуникация, амалга ошириш, мониторинг ва баҳолаш – маълумот ҳужжатида кўриб чиқилиши керак.

Биринчи вазифада бўлганидек, ушбу режа маълумот ҳужжати учун махсус форматни талаб қилмайди. Ўзларининг иш жойларида ишлайдиган ва ўқишини амалга оширадиган ўқувчилар, ўзларининг ташкилотлари учун «фирма стили» ҳисобланган форматдан фойдаланишлари мумкин. Ўқувчилар қайси форматни ишлатишмасин, у аудитория учун мос бўлиши керак, яъни стратегик даражадаги маълумот ҳужжати бўлиши керак.

## Модул бошланиши

Кейинги изоҳларда ушбу модулни ўрганиш режаси тақдим этилган.

Баҳолаш мезонлари бўйича қўлланма модул охирида келтирилган.

Ушбу малакани ўқитиш жараёнида баъзи модуллар, бошқа модулларга қараганда модулни баҳолашга бошқача ёндашувдан фойдаланиши аниқ бўлади. Улар ўқув жараёнида баҳолаш мезонлари билан танишишни таъминлайди, бошқалари эса – ўқув жараёнининг охирида.

Агар ўқитувчи ўқув жараёнида ўз ўқувчилари билан мулоқот қилиш имкониятига эга бўлишни истаса, ўқувчиларни баҳолаш мезонлари билан кейинги дарсларда таништириш тавсия этилади (масалан, ўнта дарсли модулнинг еттинчи дарсида). Шу тарзда ўқитувчи кўрсатмалар бериши, баҳолаш талабларини аниқлаштириши, шунингдек, ўқишнинг сифатини яхшилаш учун модулни баҳолаши ва ўқувчиларга қайта алоқани бериши мумкин.

Шу билан бир қаторда, ўқитувчи модулни якуний дарсда баҳолаши, шунингдек ушбу модулни ўрганишнинг якунида фикр-мулоҳазалар бериши мумкин.

### 10-модул: Корпоратив стратегия: Концепциялар, Режалаштириш ва Имплементация

#### Кириш

Мажбурий шарт: ўқувчилар ўқишни ўз ташкилотлари доирасида амалга оширадилар. Шу билан бир қаторда ўқитувчи ўқувчиларга улар фойдаланиши мумкин бўлган, номланган ташкилотни таклиф қилиши мумкин: бу барча ўқувчилар шароитларни таъминлаш учун қайси ташкилотдан фойдаланишидан қатъий назар, баъзи бир фундаментал тадқиқотлар олиб боришлари учун муҳимдир.

Ўқувчиларга модул спецификациясида ва ушбу қўлланмада кўрсатилган манбаларни, шунингдек ўқувчилар ўзлари танлайдиган бошқа манбалардан ўқиш тавсия қилинади. Дарсликлардан маълумот олиш ўқувчилар ҳар қандай мунозараларда, тақдимотлар яратишда ёки баҳолаш ишларини бажаришда ўзларининг таклифларини, қарорлари ва тавсияларини тўлиқ асослай олишлари учун зарурдир.

Ўқувчилар ИС (иш схемаси) ва ДР (дарс режаси) да келтирилган асосий концепциялар ва моделларни билишлари керак. Улардан фойдаланишдан олдин улар ушбу моделларни танқидий таҳлилдан ўтказишлари керак бўлади. Бу уларга модел ёки концепциянинг афзалликларини аниқлашга, контекстга ёки вазиятга мувофиқлигини таъминлашга ва моделнинг барча кучсиз томонларини аниқлашга ёрдам беради.

**10-модул: Корпоратив стратегия: Концепциялар, Режалаштириш ва Имплементация**

Дарсларда ҳар хил турдаги машқларни бажариш ҳисобга олинган. Синф мунозараси пайтида ўқувчилар:

- зарур бўлганда саволлар ва жавоблардан фойдаланиб, ўқувчиларнинг бир-бирлари билан ўзаро мулоқотни рағбатлантиришлари керак;
- ўқувчилар доскага асосий изоҳларини ёзишлари керак.

Ўқитувчининг тақдимотлари ва синф мунозаралари пайтида ўқувчилар эслатмалар ёзиб олишлари керак.

1-дарс модулни унинг асосий стратегик концепциялари, воситалар ва усуллари билан таништиришади.

**А ўқитиш мақсади: Ташкилотнинг ташқи муҳитини тушуниш**

Ушбу ўқув мақсади учун мавзу – ташкилотнинг ташқи муҳити.

2-дарсда тақдим этилган А1 мавзусига келсак, ўқувчилар ташкилотнинг ташқи макромуҳитини, уларга ташқи муҳитни таҳлил қилишга имкон берадиган концепциялар ва усулларни ўрганишлари керак.

Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимотлар, жуфтликлардаги машқлар ва синф мунозараси орқали ўқувчилар ташкилотнинг ташқи контекстини ўрганиш учун кейс-стадидан фойдаланадилар. PESTLE ва Портернинг бешта кучи каби моделлар ёрдамида, улар ташкилот макромуҳитида ва индустриал соҳасида ташкилотнинг стратегик позициясини ишлаб чиқишлари керак.

Ушбу материални мустақамлаш учун ўқувчиларга макромуҳит ва муҳитни сканерлаш ҳақида иккита турли матнни ўқиш таклиф қилинади.

3-дарсда ўқитувчи ёрдамида ўтказилган тақдимотлар, жуфтликларда бажариладиган машқлар ва синф мунозараси ёрдамида макромуҳитдаги ўзгариш ва унинг ташкилотга таъсири ҳақидаги А2 мавзуси ўрганилади.

Ўқувчиларга биринчи мавзунини (А1) ўрганиш пайтида фойдаланилган ташкилотнинг муҳитига таъсир этувчи бир қатор омиллар тақдим этилади. Ўқувчилар ушбу омилни ўрганишлари ва унинг мумкин бўлган таъсирини аниқлашлари, тақдимотни тайёрлаб сўнгра уни синфга тақдим этишлари керак.

Ҳар бир тақдимот алоҳида омилга бағишланган бўлиши сабабли, ҳамма асосий фикрлар барча иштирок этаётган гуруҳлар томонидан кўриб чиқилган бўлиши муҳимдир.

Ўқитувчи ўқувчилар ўрганилган ва ўрганилмаган барча омилларнинг таъсирини аниқлай олишларига ишонч ҳосил қилиш учун суҳбат ўтказиши керак. Ўқувчилар, шунингдек ушбу омиллар ўртасидаги боғлиқликни билишлари керак.

### 10-модул: Корпоратив стратегия: Концепциялар, Режалаштириш ва Имплементация

Материалларни мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчиларга макромуҳитдаги ўзгаришларнинг таъсири ҳақида иккита турли хил матнни ўқиш таклиф этилади.

4-дарс (А3-мавзу) ўқиш ва дарс ўтишни яқунлайди ва ташқи манфаатдор томонларни ўрганиш ва таҳлил қилишга қаратилган.

Ушбу дарсда, олдинги дарсда фойдаланилган ёндашувдан фойдаланиш керак. Дарсларда ўқитувчилардан олинган назарий билимларга асосланиб, ўқувчилар бошқа кейс-стадида ташқи манфаатдор томонларни таҳлил қилишлари керак (ёки ўқитувчи буни мақсадга мувофиқ деб ҳисобласа, худди шу кейс-стадида).

Ўқувчилар ўзларининг таҳлил натижаларини манфаатдор томонларнинг таҳлили синфда ўрганилишидан олдин топширишлари ва муҳокамада унинг аҳамиятини таъкидлашлари керак.

Ушбу материални мустаҳкамлаш мақсадида, ўқувчиларга ташқи манфаатдор томонлар таъсири ва кучи ҳақида иккита турли хил матнни ўқиш таклиф этилади.

### В ўқитиш мақсади: Ташкилотнинг ички муҳитини тушуниш

Ушбу мавзунинг ўқиш мақсади ташкилотнинг ички муҳити билан боғлиқ (унинг маданияти ва унинг қадриятлари билан).

5-дарснинг ўрганиш предметлари: атроф-муҳитнинг ички таҳлилинини ўтказишга имкон берадиган назария, концепциялар ва моделларга кириш.

Ўқитувчи тақдимотлари, жуфтликда бажариладиган машқлар ва синф мунозаралари билан бирга ўқувчилар: SWOT, McKinsey's 7S; стратегик учбурчак ва молиявий моделлаштириш каби моделлардан фойдаланиш аҳамиятини аниқлайдилар. Ушбу материални мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчиларга ички манфаатдор томонлар таъсири ва кучи ҳақида иккита турли хил матн ўқиш таклиф этилади.

6-дарс мавзуси ташкилотларнинг маданияти ва қадриятларига бағишланган. Ўқитиш ўқитувчи тақдимоти, жуфтликларда бажариладиган машқлар ва синф мунозаралари шаклида олиб борилади. Ўқувчилар ташкилот учун маданият нуқтаи назаридан Стратегик позиция каби концепцияларнинг аҳамиятини аниқлайдилар: маданий таъсир, маданий тармоқ ва ташкилий ахлоқ – ташкилотнинг ички контекстининг шакллантириши мумкин бўлган усуллар каби.

Ушбу материални мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчиларга ўзбек маданияти ва қадриятлари, ташкилот ички жиҳатларига ўзбек маданияти ва қадриятларининг мумкин бўлган таъсири ҳақида иккита турли хил матн ўқиш таклиф этилади.



### 10-модул: Корпоратив стратегия: Концепциялар, Режалаштириш ва Имплементация

7-дарс ташкилотдаги ички манфаатдорликни таҳлил қилиш орқали ўқиш мақсади учун дарс бериш ва ўрганишни яқунлайди.

Ушбу дарсда ўқувчилар 6-дарсда олинган назарий билимларни қўллаган ҳолда, шу ташкилотдаги манфаатдор томонларнинг ички таҳлилини ўтказишлари керак.

Ўқувчилар ўзларининг таҳлил натижаларини, дарсда қўшимча тарзда манфаатдор томонлар таҳлили ўтказилиши ва унинг аҳамияти муҳокама пайтида белгиланишидан олдин тақдим этишлари керак.

C, D ва E ўқиш мақсадларига тайёрланиш учун ўқувчиларга асосий эътибор ташкилий стратегия ва режалаштиришга қаратилган иккита турли хил матнни ўқиб чиқиш таклиф этилади.

### С ўқитиш мақсади: Ташкилотнинг стратегик режаларини қайта кўриб чиқа олиш

Ушбу ўқув мақсадининг мавзуси ташкилотнинг ҳозирги стратегик мақсадлари ва уларни кўриб чиқиш усуллари.

8-дарс ўқувчиларни ташкилотнинг ҳозирги стратегик режаларини таҳлил қилишга имкон берадиган воситалар ва усуллар билан таништиради.

Ўқитувчи тақдимотлари, жуфтликда бажариладиган машқлар ва синф мунозаралари билан бирга ўқувчилар стратегияни баҳолаш тузилмалари ва стратегияни баҳолаш жараёни орасидаги боғлиқликларни ўрганадилар.

Шундан сўнг ўқитувчи тақдимотлари ва ташкилот учун «Пирамида» стратегиясининг аҳамияти тўғрисида синф мунозараси бўлиб ўтади.

Стратегияни ташкилотнинг стратегик режалаштиришини баҳолаш учун модел сифатида эълон қилиш.

Ушбу материални мустаҳкамлаш ва ташкилотнинг мақсади ва вазифаларини ўрганиш учун ўқувчиларга жуфтликларда ишлаш тавсия этилади. Улар 8-дарсда кўриб чиқилган концепциялар ва воситалардан фойдаланишлари керак. Ҳар бир жуфтлик кейинги дарснинг бошида қисқача тақдимот намойиш этадилар.

9-дарс бозорда ўз ўрнини эгаллаш (C2 мавзуси) билан таништирадиган ўқувчиларнинг қисқа тақдимотларидан бошланади. Ўқитувчининг тақдимотлари, жуфтликда бажариладиган машқлар ва синф мунозаралари бозорлар, рақобатчилар, саноат ва соҳалар каби тушунчалар орасидаги муносабатларни ўрганишга ёрдам беради.

### 10-модул: Корпоратив стратегия: Концепциялар, Режалаштириш ва Имплементация

Ўқитувчининг тақдимотлари, жуфтликда бажариладиган машқлар ва синф мунозаралари билан бирга ўқувчилар ташкилотдаги стратегик позиция каби концепцияларнинг аҳамиятини кўриб чиқадилар. Ўқувчилар ташкилотнинг ички контекстини аниқлаш усуллари сифатида ташкилотни маданият, унинг маданий таъсири, маданий тармоғи ва унинг ташкилий ахлоқи нуқтаи назаридан ўрганадилар.

Кейин, ўқувчилар ташкилотга BCG матрицаси ва Портернинг беш кучи таҳлилини қўллайдиган ўқитувчи тақдимоти ва синф мунозараси келади. Бу ташкилотга ўз соҳаси/секторида бозордаги ўрнини аниқлашга имкон беради.

Ушбу материални мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчиларга бозорда ўз ўрнини эгаллаш ҳақида иккита турли хил матнни ўқиб чиқиш таклиф этилади.

#### D ўқиш мақсади: Стратегик вариантларни ишлаб чиқа олиш

Ушбу ўқув мақсадининг мавзуси – ташкилотнинг стратегик вариантларини ишлаб чиқиш.

10-дарс ўқувчиларни ташкилотнинг стратегик вариантларини ишлаб чиқишига ёрдам берадиган воситалар ва техникалар билан таништиради.

Ўқитувчининг тақдимотлари, жуфтликда бажариладиган машқлар ва синф мунозаралари билан бирга ўқувчилар ташкилот учун унинг стратегик вариантларини ишлаб чиқишда стратегик соатлар ва Ансофф матрицасининг аҳамиятини аниқлайдилар.

Кейин ташкилотнинг стратегик вариантларини аниқлашда ташкилот учун VMOST ва VIRO концепцияларининг аҳамияти ҳақида ўқитувчи тақдимоти ва синф мунозараси келади.

Ушбу материални мустаҳкамлаш ва ушбу стратегик вариантни ўрганиш учун ўқувчиларга жуфтликларда ишлаш таклиф этилади. Ҳар бир жуфтлик кейинги дарс бошида қисқа тақдимот билан чиқиши керак.

11-дарс стратегик вариантлар муҳокама қилинадиган ўқувчилар тақдимотидан бошланади. Ўқитувчининг тақдимоти, жуфтликларда бажариладиган машқлар, кейс-стади таҳлили ва синф мунозараси стратегик вариантларни таҳлил қилишга, фақат шундан кейин уларни кейс-стадида ташкилот учун тавсия этишга ёрдам беради.

Ушбу материални мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчиларга стратегик вариантлар тўғрисида иккита турли хил матнни ўқиб чиқиш тавсия этилади.

**10-модул: Корпоратив стратегия: Концепциялар, Режалаштириш ва Имплементация****Е ўқитиш мақсади: Стратегик режа туза олиш**

Ушбу ўқув мақсадининг мавзуси – ташкилотнинг стратегик режаларини ва вариантларини тузиш.

12-дарс ўқувчиларни уларга танланган стратегик вариант асосида, стратегик режа тузиш имконини берувчи назариялар, концепциялар ва моделлар билан таништиради.

Ўқитувчи тақдимотлари ва синф мунозараларини қўшиш орқали ўқувчилар ташкилотнинг стратегик режасини ишлаб чиқиш жараёнида муваффақиятнинг танқидий омиллари ва самарадорликнинг асосий кўрсаткичларининг аҳамиятини кўриб чиқадилар.

Кейин ўқитувчи тақдимоти ва синф мунозараси келади. Ўқувчилар Ўзбекистон Республикаси контекстида пухта ўйланган ва пайдо бўлаётган стратегияни кўриб чиқадилар.

Ушбу ўқишни мустаҳкамлаш учун ўқувчилар жуфтликларда ишлайдилар ва Ўзбекистондаги ташкилотлар бўйича тадқиқот ўтказадилар, ҳамда ким шаклланиш босқичидаги стратегияни, ким эса мақсадли стратегияни танлашини аниқлайдилар. Ҳар бир жуфтлик 13-дарснинг бошида қисқа тақдимот билан чиқиш қиладилар.

13-дарс ўқувчиларнинг тақдимотлари билан бошланади; кейин ўқитувчи тақдимоти ва ресурсларнинг ташкилотдаги аҳамияти, шунингдек ташкилотнинг стратегик режа ишлаб чиқара олиш (Е 2 мавзуси) қобилияти ҳақида ўқитувчи тақдимоти ва синф мунозараси келади.

Ушбу материални мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчиларга ресурслар вариантлари ва улардан фойдаланиш мавзуси бўйича иккита турли хил матнни ўчиб чиқиш таклиф этилади.

**10-модул: Корпоратив стратегия: Концепциялар, Режалаштириш ва Имплементация**

**F ўқитиш мақсади: Стратегик режанинг амалга оширишни тушуниш**

Ушбу ўқув мақсадининг мавзуси – ташкилот учун стратегик режани амалга ошириш усуллари.

Манфаатдор томонлар билан мулоқот мавзуси (F 2 мавзуси) 14-дарсда келтирилган. Ўқитувчининг тақдимотлари, жуфтликда бажариладиган машқлар ва синф мунозаралари ўқувчиларга стратегик ўзаро ҳамкорлик ва манфаатдор томонларни солиштириш концепцияларини ўрганишга беради.

Ўқувчилар манфаатдор томонлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш режасини қўллаб-қувватлаш учун манфаатдор томонларни SWOT-таҳлилидан ўтказишда ва шу билан бир қаторда, манфаатдор томонларни кўрсатиш учун жуфтликларда кейс-стади устида иш олиб бордилар. Улар манфаатдор томонларнинг режаларини кўриб чиқиш учун синфга тақдим этадилар.

Ушбу материални мустаҳкамлаш учун ўқувчиларга манфаатдор томонлар билан коммуникация ҳақида иккита турли хил матнни ўқиб чиқиш таклиф этилади.

15-дарснинг бир қисми стратегик режани мониторинг қилиш ва амалга оширишга қаратилган ва стратегик режани мониторинг қилиш ва баҳолаш жараёнида сценарийларни режалаштириш ва моделлаштириш аҳамияти ҳақида ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот ва синф мунозарасини ўз ичига олади.

Ушбу модул учун ушбу якуний дарсда ўқувчилар баҳони муҳокама қилишлари мумкин, ўқитувчи эса ҳар қандай саволлар, сўровлар ва изоҳларга жавоб бера олади.

## ВТЕС нинг бошқа бўлинмалари ва малакаларга ҳаволалар

Ушбу модул қуйидагиларга ҳавола қилади:

- 4-модул: Бизнес-стратегия ва корпоратив маданият.

### Ресурслар

#### Китоблар

Johnson G and Whittington R – *Exploring Strategy*, (11<sup>th</sup> Edition), Pearson Education Ltd (2017), ISBN-13: 9781292145129(print) ISBN-13: 9781292191508(electronic)

McClellan D – *Strategic Planning; As Easy as A, B, C*, Lulu Publishing (2015), ISBN-13: 9781483422442 (print) ISBN-13: 9781483422435 (electronic)

Puranam P and Vanneste B – *Corporate Strategy; Tools for Analysis and Decision Making*, Cambridge University Press (2016), ISBN-13: 9781107120914

#### Журналлар

*Европа бошқарув журнали* (Elsevier)

*Гарвард бизнес шарҳи* (Harvard Organisations Publishing)

*Бизнес Стратегия журнали* (Emerald)

*Бошқарув тадқиқотлари журнали* (JohnWileyandSons)

*Стратегик ўзгариш* (JohnWileyandSons)

*Стратегия ва етакчилик* (Emerald)

#### Веб-сайтлар

[www.ft.com](http://www.ft.com) – Financial Times

[www.iod.com](http://www.iod.com) – Директорлар институти

[www.managers.org.uk](http://www.managers.org.uk) – Чартер Бошқарув Институти

[www.sps.org.uk](http://www.sps.org.uk) – Стратегик режалаштириш жамияти

*Pearson ҳар қандай ташқи интернет-сайтларнинг мазмуни учун жавобгар эмас.*

*Ўқитувчилар учун ҳар қандай веб-сайтни синфда ишлатишдан олдин унинг URL-*

*манзилни аниқ, тўғри ва ўринли эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун олдиндан кўриб*

*чиқиш муҳимдир. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларни белгилашни ва ўқувчиларга*

*уларга коллежнинг интернет манбалари орқали киришни таклиф қилишни тавсия*

*қиламиз.*



## Иш схемаси

<b>Модул</b>	10-модул: Корпоратив стратегия: Концепциялар, Режалаштириш ва Имплементация
<b>Ўқув соатлари</b>	45
<b>Дарслар сони</b>	15
<b>Дарслар давомийлиги</b>	3 соат
<b>Бошқа модулларга ҳаволалар</b>	3-модул: Стратегик ўзгаришларни бошқариш

Ўқитиш учун калитлар			
<b>ЁМТ</b>	Ёзма мустақил топшириқ	<b>ММ</b>	Материални мустаҳкамлаш
<b>ТЭС</b>	Таклиф этилган спикер	<b>Т</b>	Ташриф
<b>МЎ</b>	Мустақил ўқитиш	<b>ИТ</b>	Иш тажрибаси

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	<p><b>Модулга кириш ва уни баҳолаш</b></p> <p><b>Стратегия ва стратегик режалаштириш концепцияси</b></p> <p><b>Стратегик воситалар ва усуллар</b></p>		<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> Модул мазмунига кириш, баҳолаш мезонлари ва қўшимча манбалар.</li> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС 1):</b> Стратегия таърифлари; режалаштиришнинг асосий стратегиялари ва концепциялари; асосий стратегик моделлар.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> 21-асрда Ўзбекистонда стратегик режалаштиришнинг роли ва аҳамияти.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси</p> <p>Тақдимот слайдлари ва эслатмалар</p> <p>Доска ва ручкалар</p> <p>Жуфтликларда бажариладиган машқлар учун мини кейс-стади (MP 1)</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Жуфтликларда бажариладиган машқ:</b> Ўқувчилар қуйидаги саволни ўрганадилар: ташкилот стратегияси стратегия таърифларига, асосий стратегиялар ва режалаштириш концепцияларига қандай қилиб мос келади?</li> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС 2):</b> Ушбу модулда ишлатилладиган стратегик воситалар ва усуллар ҳақида қисқача маълумот.</li> <li>• <b>Якун:</b> Ўқитувчи ўқувчилар ўрганган материалларни тушунганликларига ишонч ҳосил қилиши ва кейинги дарс учун шароит яратиши керак.</li> <li>• <b>Дарсдан ташқари мустақил иш:</b> Ўқувчилар Ўзбекистондаги ташқи ташкилий муҳитни ва унинг барча ташкилотларга таъсирини синчковлик билан ўрганадилар.</li> </ul>	
2	Мавзу: А 1 <b>Ташқи муҳит ва секторни таҳлил қилиш воситалари</b>		<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> 1-дарс ҳақида қисқача маълумот</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Барча ташкилотларга таъсир қиладиган Ўзбекистондаги ташқи муҳитни чуқур тадқиқот қилиш бўйича дарсдан ташқари мустақил ишни муҳокама қилиш.</li> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС 3):</b> Стратегик позиция: макромуҳит ва соҳаларнинг; экологик сканерлаш (PESTLE); Портернинг беш кучи таҳлили.</li> </ul>	<p>1-дарснинг дарсдан ташқари мустақил иши вазифаси учун тахминий жавоб.</p> <p>Тақдимот слайдлари ва эслатмалар.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>Флипчарт ва ручкалар.</p> <p>Интернетга уланган компьютерлар.</p>



#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Жуфтликларда бажариладиган машқ:</b> Интернет ёрдамида ўқувчилар PESTLE таҳлили ва Портернинг беш кучидан фойдаланиб, ташкилотнинг ташқи муҳитини ўрганишлари мумкин.</li> <li>• <b>Жуфтликларда бажариладиган машқ:</b> Ўқувчиларнинг ҳар бир жуфтлиги ўзларининг баҳолаш натижаларини синфга тақдим этади.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Тақдимот натижалари билан танишиш.</li> <li>• <b>Якун:</b> Ўқитувчи ўқувчилар ўрганган материалларни тушунганликларига ишонч ҳосил қилиши ва кейинги дарс учун шароит яратиши керак.</li> <li>• <b>Дарсдан ташқари мустақил иш:</b> Ўқувчилар дарсда ўрганилган материални мустақамлаш учун макромуҳит ва муҳитни сканерлаш ҳақидаги иккита турли матнлардан битта бобни ўқиб чиқишлари керак.</li> </ul>	
3	Мавзу: А 2 <b>Экологик ўзгаришларнинг ташкилотга таъсири</b>		<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> 2-дарс ҳақида қисқача маълумот.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Макромуҳит ва муҳитни сканерлаш бўйича ўқувчиларнинг мустақил дарсдан ташқари ишини муҳокама қилиш.</li> <li>• <b>Жуфтликларда бажариладиган машқ:</b> Ўқувчиларнинг ҳар бир жуфтлиги турли хил таъсир омилларини ўрганишлари керак.</li> </ul>	2-дарснинг дарсдан ташқари мустақил иши вазифаси учун тахминий жавоб Тақдимот слайдлари ва эслатмалар Доска ва ручкалар Флипчарт ва ручкалар

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Жуфтликларда бажариладиган машқ:</b> Ўқувчиларнинг ҳар бир жуфтлиги ўз тадқиқотларининг натижаларини синфга тақдим этади.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Тақдимотларни муҳокама қилиш.</li> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС 4):</b> Ўқитувчи дарс мавзусини умумлаштириш ва мустаҳкамлаши керак.</li> <li>• <b>Якун:</b> Ўқитувчи ўқувчилар ўрганган материалларни тушунганликларига ишонч ҳосил қилиши ва кейинги дарс учун шароит яратиши керак.</li> <li>• <b>Дарсдан ташқари мустақил иш:</b> Ўрганилган материални мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчилар макромухитлардаги ўзгаришларнинг таъсири ҳақидаги иккита турли матнлардан битта бобни ўқиб чиқишлари керак.</li> </ul>	Интернетга уланган компьютерлар
4	Мавзу: А 3 <b>Ташқи манфаатдор томонлар</b>		<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> 3-дарс ҳақида қисқача маълумот.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Барча ташкилотларга таъсир қиладиган Ўзбекистондаги ташқи ташкилий муҳитни ўрганиш бўйича ўқувчиларнинг дарсдан ташқари мустақил ишини муҳокама қилиш.</li> </ul>	3-дарснинг мустақил иши тахминий жавоби Тақдимот слайдлари ва эслатмалар Доска ва ручкалар Флипчарт ва ручкалар Жуфтликларда бажариладиган машқлар учун мини кейс-стади (MP 2)

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС 5):</b> Стратегик позиция – манфаатдор томонлар; манфаатдор томонларнинг гуруҳлари; манфаатдор томонларнинг харитасини тузиш ва унинг таҳлили.</li> <li>• <b>Жуфтликларда бажариладиган машқ:</b> Кейс-стадидан фойдаланган ҳолда, ўқувчилар ташкилотнинг ташқи манфаатдор томонларини таҳлил қиладилар.</li> <li>• <b>Жуфтликларда бажариладиган машқ:</b> Ўқувчиларнинг ҳар бир жуфтлиги таҳлил натижаларини синфга тақдим этишлари керак.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Ҳар бир тақдимотда олинган хулосаларни кўриб чиқинг.</li> <li>• <b>Якун:</b> Ўқитувчи ўқувчилар ўрганган материалларни тушунганликларига ишонч ҳосил қилиши ва кейинги дарс учун шароит яратиши керак.</li> <li>• <b>Дарсдан ташқари мустақил иш:</b> Ўқувчилар дарсда ўрганилган материални мустаҳкамлаш мақсадида ташқи манфаатдор томонларнинг кучи ва таъсири ҳақидаги иккита турли матнлардан битта бобни ўқиб чиқадилар.</li> </ul>	
